

«Ал-мийсоқ» ҳақида

21:14 / 25.04.2016 14299

Мусулмончиликда қуйидагича савол-жавоблар бор:

- Мусулмонмисан?
- Алҳамдулиллаҳ, мусулмонман!
- Гумоним бор?
- Менда гувоҳим бор!
- Айт-чи гувоҳингни?
- Лаа илааҳа иллаллоҳу, Муҳаммадур Расулуллоҳ!
- Қачондан бери мусулмонсан?
- Ал-мийсоқдан бери. . . ва ҳоказо.

Илтимос, шу мавзӯга доир тўлиқроқ маълумот берсангиз.

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

«Ал-мийсоқ» – «аҳднома» деганидир. Аллоҳ таоло қадимда Бани Одамдан ал-мийсоқ – аҳду паймон олган, ўша ал-мийсоқ – аҳду паймонга асосан, барча одамлар Аллоҳни Робб деб билиб, Унга ширк келтирмай, фақат тавҳид асосида яшашлари лозимдир.

Аллоҳ таоло Қуръонда:

«Роббинг Бани Одамнинг умуртқа поғонасидан, Қиёмат куни «Бундан ғофил эдик» демасликларингиз учун, зурриётларини олиб, ўзларига ўзларини гувоҳ қилиб: «Роббингиз эмасманми?» деганида, «Худди шундай! Гувоҳ бўлдик!» деганларини эсла» («Аъроф» сураси, 172-оят), деган.

Бу ояти каримада ғаройиб бир ҳолат таъриф этилмоқда. Аллоҳ таоло Ўзига маълум бўлган бир пайтда, Қиёмат давригача дунёга келадиган барча одамларни оталарининг сулбидан уруғлик ҳолатларида чиқариб олган ва ўша уруғликларга:

«Роббингиз эмасманми?!» деб савол берган.

Бу саволни беришдан биринчи мақсад уларни ўзларига гувоҳ қилиш бўлса; иккинчи мақсад Қиёмат куни «Бундан ғофил эдик» демасликлари учундир. Мазкур илоҳий саволга ҳамма зурриётлар:

«Худди шундай», яъни: албатта, Сен Роббимизсан, «гувоҳ бўлдик», деб жавоб беришган. Шунга биноан инсон уруғлик пайтида, яъни, она қорнига ўтганда ва инсон бўлиб яралганда Аллоҳнинг Робб эканлигини эътироф этгувчи табиат соҳиби бўлади. Яъни, Аллоҳ таоло уни шу ҳолда яратади. Қисқаси, одам боласи онадан Аллоҳ таолонинг тавҳидини – ягоналигини тан оладиган соф табиат билан дунёга келади. Чунки, унинг ўзи уруғлик ҳолидаёқ Аллоҳ таолога ал-мийсоқ – аҳду паймон бериб қўйган. Инсоннинг ушбу ал-мийсоққа – аҳду паймонга содиқ қолиши ёки хиёнат қилиши кейинги омилларга боғлиқ.

Имом Бухорий, имом Муслим ва бошқа ҳадис илми имомлари Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набийимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳар бир гўдак соф табиат ила туғилади. Бас, ота-онаси уни ё яҳудий, ё насроний, ё мажусий қилади», деганлар. Яъни, тарбия қилишда шундай йўл тутадилар.

Демак, Аллоҳ таоло инсон табиатини тавҳидга мос равишда бунёд этган. Қай бир инсон ўзининг азалий соф табиатини асраб қола олган бўлса, мўмин-мусулмон бўлади. Кимки ўз табиатини соф ҳолда сақлай олмаган бўлса, кофир, мушрик, худосизга айланади. Чунки, аслида, кофирлик, мушриклик ва худосизлик инсон табиатига терс нарсалардандир.

Аллоҳ таоло ушбу мийсоқни ва гувоҳликни Бани Одам зурриётидан талаб қилишининг асосий сабабларидан бири, аввал айтиб ўтганимиздек, Қиёмат куни «Биз бундан ғофил эдик» демасликлари учундир. Қиёмат куни ҳақийқатда ҳам мазкур даъвони қилмасликлари ҳақидаги ҳақийқатни имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқа имомлар Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифдан англаб оламиз.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ таоло Қиёмат кунида азоби энг енгил бўлган дўзах аҳлига: «Айт-чи, агар ер юзидаги ҳамма нарса сеники бўлса, қутулиш учун тўловга берармидинг?» – дейди. У: «Ҳа», – дейди. Аллоҳ: «Мен сендан бундан кўра осон нарсани хоҳлаган эдим. Одамнинг сулбида турганинга менга ҳеч бир нарсани ширк келтирмаслигинга аҳду паймон олган эдим. Сен эса, фақат ширк келтиришни хоҳладинг», дейди», – дедилар. Валлоҳу аълам.